

Дусчанов Расулжон Рахимбаевич  
Ўзбекистон Миллий университети  
Тарих факультети "Архившунослик  
ва манбашунослик" кафедраси доценти,  
фалсафа фанлари доктори (PhD)

## ЎЗБЕКИСТОН ССР БЮДЖЕТИДА ДАРОМАД ТУРЛАРИ (1930-1939 й.)

**Аннотация.** Давлат даромади доимий равишда бюджетнинг базаси бўлганлиги, даромадларни шаклланиши тарихи уларни тартибга солиш биринчи ўринда турганлиги ҳамда даромад манбаларини ўзгаришлар киритилганлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий бюджет, даромад, харажат, солиқ, йиғим, колхоз, совхоз, совет, айланма солиқ, даромад солиғи, тақчиллик, лойиҳа, янги иқтисодий сиёсат, давлат ижтимоий сугурта, фойдадан ажратма.

## ВИДЫ ДОХОДОВ В БЮДЖЕТЕ УЗБЕКСКОЙ ССР (1930–1939 гг.)

**Аннотация.** Государственные доходы всегда являлись основой бюджета. В статье проанализирована история формирования доходов, их регулирование, а также изменения в источниках поступлений.

**Ключевые слова:** местный бюджет, доход, расход, налог, сбор, колхоз, совхоз, совет, оборотный налог, подоходный налог, дефицит, проект, новая экономическая политика, государственная социальная страховка, доля от прибыли.

## TYPES OF REVENUE IN THE BUDGET OF THE UZBEK SSR (1930–1939)

**Annotation.** The study analyzes the fact that state revenue has always constituted the fundamental basis of the budget, emphasizing the historical processes of revenue formation, the primacy of regulatory mechanisms, and the introduction of changes in sources of income.

**Keywords:** local budget, revenue, expenditure, tax, levy, kolkhoz, sovkhos, Soviet, turnover tax, income tax, deficit, project, New Economic Policy, state social insurance, profit deductions.

Совет ҳокимияти даврида давлат даромадларида ўзгаришлар 1930 йиллар ичида шакллана бошлаган, бунга айланмадан олинадиган солиқ мисолида айтиш мумкин. Бу солиқ доимий равишда давлат даромадида биринчи ўриндаги асосий манбаи бўлиб келганлиги архив ҳужжатларида келтирилган.

1930/31 йиллардаги давлат бюджети даромад – 307.208.008 минг сўм қилиб белгиланган. Давлат бюджетидаги асосий устуни бўлган даромадлар қисмида савдо айланмасидан олинадиган солиқ биринчи марта "1930-1932 йилларда солиқ ислоҳоти" даврида, Янги иқтисодий сиёсат тутаганидан кўп ўтмай жорий этилган. Бу солиқ таркиби бир нечта солиқларни қамраб олган. Бир нечта солиқ ва йиғимларни ўз ичига олган бўлиб, у давлат даромади учун муҳим молиявий манба ҳисобланган.

1932 йилдаги давлат бюджети – 528.610 минг сўм бўлиб, даромад ва харажат бир хил миқдорда – 264.305 минг сўм миқдорида ажратилган. Шу йилги давлат даромадининг бажарилиши 98 % га тўғри келган. Жамоалаштирилган хўжаликдан тушумлар - 195.971 минг сўм, аҳоли маблағларини сафарбор этиш учун - 68.334 минг сўм, жами харажатлар қисми 264.305 минг сўм иқдорида бажарилган. Жумладан, Халқ хўжалигини молиялаштириш - 92.446 минг сўм ёки 93,9 %; Ижтимоий-маданий тадбирлар - 72.324 минг

сўм ёки 98,5 %; бошқарув харажатларига - 16.291 минг сўм ва маҳаллий бюджетга ажратмалар - 73.613 минг сўм ёки йиллик режага нисбатан -101,8 %.

1933 йилдаги давлат даромади – 285.986 минг сўм, харажат – 285.986 минг сўмни бўлиб, умумий бюджет – 571.972 минг сўм миқдорида белгиланган. Бу даврда бюджет даромадидаги солиқ улуши 7 %, жамоалашган сектор ҳиссасига 6 % ўсиш саноат ва хўжалик органлари фойдасидан ажратмалар эса 19 % ўсишни ташкил қилган.

1934 йилдаги Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан давлат бюджетининг даромад қисмини бажарилиши 413.831 минг сўм, 101,7 %, Шу йилда даромадлар учта тоифага бўлиниб, А) Жамоалашган корхоналар “колхоз ва совхоз”лардан келадиган даромадлар, Б) Аҳолининг вақтинча фойдаланмай турган маблағларини сарф қилиш, В) Бошқа даромадлар кабиларга бўлган. Шу даромаддан солиқ ва йиғимлар улиши таҳлил қилинса, Савдо айланмасидан олинadиган солиқ, Корхоналардан даромад солиғи, Товарсиз операциялардан солиқ, Кохозлардан қишлоқ-хўжалик солиғи, Совхозлардан солиқ, Ягона деҳқон хўжалиғи ва колхозлардан қишлоқ-хўжалик солиғи, Шаҳарларда аҳоли турар жойи қурилиши ва маданий-маиший йиғимлар, Қишлоқларда аҳоли турар жойи қурилиши ва маданий-маиший йиғимлар ва 1934 йилда ҳар бир деҳқон хўжалигидан бир вақтда йиғиладиган солиқ киритилган. Юқоридаги солиқ ва йиғимлар – 368.840 минг сўм бўлса, даромаднинг – 90,6 % ини ташкил қилган. Шу даврлардаги давлат бюджетини солиқларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиғи архив ҳужжатларида келтирилган.

1935 йил 20-январда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги Бюджет комиссиясининг пленуми очилган. Пленумда СССР Молия Халқ комиссари Г.Ф. Гринко 1934 йилдаги бюджетнинг бажарилиши ва 1935 йилдаги давлат бюджети тўғрисида маъруза қилган. Бунда 1934 йилдаги СССР даромади – 47 миллиард 300 миллион сўм қилиб тасдиқланганлигини шунга биноан даромаднинг харажатдан 1,5 миллиард сўм ортиб қолиши керак бўлган. Энди бюджетни бажарилишига келсак, даромад 49 миллиард, 7 миллион сўм, харажат 46 миллиард, 900 миллион сўм бўлган. Даромад харажатдан 2 миллиард 800 миллион сум ошиқ бажарилган. 1935 йилдаги бюджетнинг даромади – 65 миллиард 700 миллион сўм ва харажати – 65 миллиард, 200 миллион сўм бўлиб, даромад 500 миллион сўм ортиб қолган. Бир йилдан кейин давлат даромади ва харажати 39 % га оширилган.

СССРнинг 1935 йил 8 февралдаги тасдиқланган бюджетидида юқоридаги 20 январга нисбатан ошиқроқ қилиб тасдиқланган. Шу вақтдаги СССР бюджети даромади – 65 миллиард 900 миллион 551 минг сўм, харажат – 65 миллиард 400 миллион 551 минг сўм бўлиб, даромаднинг харажатдан ортган қисми 500 миллион сўм бўлиб, даромад икки қисмга бўлинган булар қуйидагилар:

1) Умумлашган хўжалик даромади – 6 га бўлиниб, даромаднинг асосий қисмини 1) Айланмадан олинadиган солиқ (Оборот солиғи) даромаднинг 80 % га яқинини ташкил қилиб, 2) Фойдадан ажратиладиган маблағлар, 3) Даромад солиғи ва корхоналарнинг бошқа даромадлари, 4) Давлат ижтимоий суғурта, 5) Хўжалик ва кредит ташкилотларининг давлат заёмларига қўйилган бошқа маблағларидан келтириладиган даромад, Умумлашган хўжаликларнинг бошқа даромадларидан иборат бўлган.

II) Халқ маблағини тўплаш – а) Давлат заёмларини тасдиқлашдан келадиган даромад, Солиқлар ва йиғимлардан иборат бўлган.

СССР Молия Халқ комиссари Г.Ф. Гринко маърузасига кўра, 1935 йилда мудрофаага ажратилган 6,5 миллиард рубл ўрнига 8,2 миллиард рублга оширилган, лекин 1936 йилда мудрофаа учун 14,8 миллиард мўлжалланганлиги айтиб ўтилган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасидаги СССРдаги мудрофаа харажатлар йилдан йилга оширила бошлаганлигини шу соҳа Молия Халқ комиссарларининг қилган маърузаларида келтирилган.

Лекин, 1935 йилдаги давлат бюджети ҳақидаги архив ҳужжатлари ва даврий матбуотдаги бюджетга ажратилган маблағлар бир хил миқдорга эга бўлган. Шу йилги даромад – 542.530 минг сўм миқдорида тасдиқланган. Бу даврда давлат даромадидаги

20 ҳиссаси – 461.134 минг сўм бўлиб, даромадда улиши – 84,9 % ига тўғри келган. Бундан ташқари даромадда оғир, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий, кино-фото саноати ҳамда давлат савдоси ва бошқалар ташкил қилган.

Ўзбекистон ССРнинг 1935 йилги давлат бюджетини бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги маърузада шу йилдаги бюджетни бажараётган даврда, айниқса давлат бюджетига қарашли муассасаларда, бюджет ва молия интизомини тусда бузишлар бўлганлигини таъкидлаб, барча муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига бундан кейин молия ва бюджет интизомининг бузилишига ҳеч бир йўл қўймасдан, фақат бюджетда кўрсатилган маблағларга қарабгина пул сарф қилиш таклиф этилган. Бундан кейин Молия Халқ комиссарлигининг бюджет хўжалигини тафтиш қилиш соҳасида қилган иши етарлик бўлмаганидан, Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети барча давлат муассасаларида ва районларда йилига энг камида бир маратаба ва қишлоқ советларида ҳар кварталда бир маратаба ҳужжатларни тафтиш қилишга мажбур этилсин. Молиявий маблағларни тинтув қилиш жараёни шу тариқа чуқур ўрганиш бошланганли бунга мисол бўла олади.

1937 йилдаги СССР давлат бюджети тўғрисидаги қарорига кўра, давлат бюджетига даромад – 98.069.020 минг сўм белгиланган. Булар асосини – 1) Айланмадан олинадиган солиқ (оборот солиғи), Оғир саноат, Енгил саноат, Овқат саноати халқ комиссарликлари, Спирт ва ароқ саноати бош бошқармаси, СССР Халқ Комиссарлари совети қошидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш кўмитасидан, давлат савдоси ва кооперациядан; 2) Фойдадан ажратувчи маблағлар – Оғир саноат, Енгил саноат, Ўрмон саноати, Овқат саноати, Маҳаллий саноат халқ комиссарликлари, Ер ишлари халқ комиссарлиги корхоналари, темир йўл транспорти, Ички савдо халқ комиссарлиги корхоналари, СССР Халқ Комиссарлари совети қошидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш кўмитаси, Ташқи савдо халқ комиссарлиги корхоналари, Давлат кредит муассасалари, Давлат суғурта идоралари ва бошқа тўловлар ҳамда фойдадан ажратилган маблағлар бўлган. 3) Даромад солиғи ва корхоналар ҳам ташкилотлардан олинадиган бошқа хил солиқлар – маҳсулотга алоқаси бўлмаган операциялар солиғи, колхозлардан даромад солиғи, совхозлардан солиқлар ва бошқалар. 4) Давлат ижтимоий суғурта маблағларидан ижтимоий-маданий тадбирларга бериладиган пул. 5) Давлат заёмлари. 6) Аҳолидан олинадиган солиқлар ва йиғимлар – колхозчилар ва якка хўжаликлардан қишлоқ хўжалиги солиғи, шаҳарлардаги турар-жой ва маданий-маиший қурилиш эҳтиёжларига йиғим, қишлоқлардаги турар-жой ва маданий-маиший қурилиш эҳтиёжларига йиғим ва аҳолидан солиқ ва йиғимлар бўлган. 7) Бошқа хил киримлар – Гумрук кирими (божхона божи), пул чиқаришдан келадиган кирим ва бошқалар кирган. Булар даромаднинг асоси бўлган.

1938 йилги давлат бюджети даромади – 1.100.402 минг сўм, харажати – 1.081.457,6 минг сўм даромад билан харажат ўртасидаги фарқ 18.944,4 минг сўм бўлган. Даромаднинг 46 % дан ошиғини ташкил қилган айланмадан олинадиган солиқ бўлган. Фойдадан ажратмаларга Озиқ-овқат халқ комиссарлиги, Енгил саноат халқ комиссарлиги, Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги, Ер ишлари халқ комиссарлиги, Совхозлар халқ комиссарлиги корхоналари ва ҳар хил корхоналар – 27,5 % ини, Корхона ва иашкилотлардан олинадиган солиқлар – Колхозлардан олинадиган даромад солиғи, товарсиз операциялар солиғи, Кооператив ташкилотларидан олинадиган даромад солиғи ва совхозлардан олинадиган солиқ – 8,9 % ини, Аҳолидан олинадиган солиқ ва йиғимлар – Қишлоқ хўжалиги солиғи, Отларга солинадиган солиқ, Шаҳар ва қишлоқ маданий йиғими – 5,9 % ини, булардан ташқари – Давлат заёмлари, ижтимоий суғурта бўйича иқтисод, Турли хил даромадлар, Давлат суғуртасидан ажратма ва 1938 йил маблағлар қолдиғини бюджетга қайтаришга тегишли кабилар кирган. Шу йилги даромаднинг бажарилиши 99 % га бўлган. Ўтган йилги даромад билан таққосланганда даромадининг ҳажми 37.609 минг сўмга кўпайтирилган. Бунинг кўпайтирилиш сабабларидан битта омил шу даврда давлат бюджетидан рус мактабидан бошқа мактабларда рус тили ўрганиш ва Ўзбекистон ССР олий ўқув юртларида штат оклади тизимини ўтказишга – 4978 сўм қўшимча маблағ ажратилган.

1939 йилдаги Ўзбекистон ССР Олий Совети 2 сессиясининг тасдиғига тақдим этилаётган Ўзбекистон ССР давлат бюджети, учинчи беш йилликнинг иккинчи йилига қабул қилинган халқ-хўжалик режасига жуда мувофиқ қилиб, 1.441.517 минг сўм миқдорида тузилди, унинг даромади 1938 йилга нисбатан 13,4 % га, харажатлар 14,6 % га ошган. Шу йилги республика бюджети – 543.000 минг сўм (ўсиш 7,6 % га), маҳаллий бюджетлар – 898.517 минг сум (ўсиш 20 %) ни ташкил қилган. Шу йилги давлат бюджети 2.883.034 минг сўмни бўлган. Даромаднинг асосини ташкил қилувчи соҳалардан бири бу – Айланмадан олинadиган солиқдан ажратма, яъни нон маҳсулотлари, тўқилган нарса ва трикатаж, бошқалар шу жумладан: ароқ-вино, ўсимлик мойлари, чой, қанд, нефт маҳсулоти, тамаки, парфюмерия, ҳайвон мойи, балиқ маҳсулоти, тери ва универмаглардан олинган солиқ ҳисобланади. Корхона ва кооператив ташкилотилардан олинadиган солиқ 1939 йилга нисбатан 15 %, Аҳолидан олинadиган солиқ ва йиғимлар 22,7 % га ошган.

Ўзбекистон ССРнинг 1940 йилги даромади – 1.486.969 минг сўм бўлиб, харажат ва даромад бир хил белгиланган. Ўзбекистон ССР бюджети иккига бўлинган, республика ва маҳаллий бюджет бўлиб, ундан республика – 81.5 %, маҳаллий – 18.5 % ажратилган.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси А.Абдурахмановнинг маърузасига кўра, давлат учун *даромад* турлар 8 та бўлиб, бу манбалар қуйидагилар:

- савдо айланмасидан олинadиган солиқлар;
- саноат ва хўжалик корхоналарнинг фойдаларидан олинadиган ажратмалар;
- даромад солиғи ва корхона ҳамда кооператив ташкилотлари билан қилинган товарсиз операциялардан олинadиган солиқ;
- аҳолидан олинadиган солиқ ва йиғимлар;
- аҳоли ўртасида тарқатиладиган заёмлардан олинadиган ажратмалар;
- давлат социал-суғурта маблағлари;
- МТС даромадларидан олинadиган ажратмалар;
- колхозлардан олинadиган даромад солиғи кабилар ташкил этган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, солиқлар совет ҳокимияти бюджетининг асосий қисми бўлган. Айниқса бу бюджет тўғрисидаги қонундан ҳам акс этган. Совет ҳокимияти ташкил қилинган дастлабки кунлариданоқ, давлат ва маҳаллий бюджет учун солиқларнинг аҳамияти юқори эканлигини англаб етган. Чунки акциз, саноат, даромад ва қишлоқ хўжалиги солиқлари кетма-кетликда давлат даромадининг асоси бўлиб келган. Буни бюджет тасдиқлаш тўғрисидаги маҳаллий бюджетга солиқларни маълум бир қисми доимий равишда ўтказиб келинган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзМА, Р-837-фонд, 8-рўйхат, 62-йиғмажилд, 70-варақ.
2. Финансовые итоги пятилетки и финансовая программа Узбекской ССР на 1933 г. (Доклад Народного Комиссара Финансов Узбекской ССР т. Исламова А.И. на 3-й сессии ЦИК Советов Уз.ССР 19 февраля 1933 г.) Ташкент.: № 3 Узнаркомлегпрома. С. 4-5
3. Финансовые итоги пятилетки и финансовая программа Узбекской ССР на 1933 г. (Доклад Народного Комиссара Финансов Узбекской ССР т. Исламова А.И. на 3-й сессии ЦИК Советов Уз.ССР 19 февраля 1933 г.) Ташкент: № 3 Узнаркомлегпрома. С. 5-10
4. ЎзМА, Р-837-фонд, 13-рўйхат, 335-йиғмажилд, 3-варақ.
5. СССР Марказий ижроқўми қошидаги бюджет комиссиясининг пленуми // Қизил Ўзбекистон. 1935 йил 28 январ. № 23. 4-бет
6. СССРнинг 1935 йилги бюджети // Қизил Ўзбекистон. 1935 йил 8 феврал. № 35. Б. 2.
7. СССРнинг 1936 йил учун ягона давлат бюджети СССР Молия комиссари ўрток Гринко маърузаси // Қизил Ўзбекистон. 1936 йил 20 январ № 16. Б. 3.
8. ЎзМА, Р-837-фонд, 13-рўйхат, 335-йиғмажилд, 3-варақ.

22

9. Охунбобоев Ю. Ахмадбеков Ўзбекистон ССРнинг 1935 йилги давлат бюджетининг бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги // Қизил Ўзбекистон. 1937 йил 27 феврал. № 47. 1-бет
10. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 1761-йиғмажилд, 277а-278-варақлар.
11. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 1761-йиғмажилд, 57а-варақ.
12. Абдурахманов А. Ўзбекистон ССРнинг 1940 йилги давлат бюджети ҳақида ва ЎзССР бюджетининг 1939 йил ичида бажарилиши тўғрисидаги маърузаси // Қизил Ўзбекистон. 1940 йил 6 май. № 103. 2-бет